

“БАҲОР КЕЛДИ СИЗНИ СЎРОҚЛАБ”

Агар ҳаёт бўлганида атоқли ўзбек шоираси Зулфияхоним тўқсон ёшни қаршиларди. Олим Хужаев номидаги Бухоро маданият коллежи ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги вилоят илмий-универсал кутубхонаси ҳамкорликда ана шу санага бағишлаб “Баҳор келди сизни сўроқлаб”, деб номланган адабий-бадий кечани ташкил этди. Унда қатор коллежлар педагог-мураббийлари, кутубхона тизими ходимлари ҳамда ҳассос шоира ҳаёти ва ижодига қизиқувчи ёшлар иштирок этдилар.

Кечада нурли қалам соҳибаси ижодидан намуналар тингланди. Вафо ва садоқатни тараннум этувчи куй-қушиқлар янгради.

Айниқса, Зулфия номидаги республика Давлат мукофотиغا сазовор қизларнинг чиқишлари олқишга сабаб бўлди. Маданият коллежининг анъанавий ижрочилик ва актёрлик бўлимлари ўқувчилари шоиранинг турмуш ўртоғи — Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” достони асосида тайёрланган сахна кўринишларини намойиш қилдилар.

Кеча сўнгида адабиёт ихломандлари “Ўзбекнинг Зулфиясиман”, деб номланган китоблар кургазмаси билан танишиб, шоира ҳақидаги тасаввурларини янада бойитдилар.

Учқун ТОЖИЕВ.